**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ўтказилган илмий-амалий конференция қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасининг тартибга солинишига бағишланди.**

# ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Мазкур қўмита раиси И. Насриев бошқарган ушбу тадбирда олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар раҳбарлари, соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳаси қонун йўли билан тартибга солинган. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августда қабул қилинган "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги қонуни ушбу йўналишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур ҳужжатда маҳаллий давлат бошқаруви органларининг ваколатлари, қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги бўйича ташкилот, муассаса ва корхоналар раҳбарларининг мажбуриятлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг бу соҳадаги иштироки белгиланган.

Юртимизда фуқаролар соғлиғини сақлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, замонавий тиббий муассасалар бунёд этилиб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш янада яхшиланмоқда. Республика гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти қошидаги Қон қуйиш маркази тўлиқ таъмирланиб, ишга туширилди ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Айни пайтда мамлакатимизнинг бешта вилоятидаги қон қуйиш станцияси қошида минтақавий қон қуйиш марказлари ташкил қилинмоқда.

Конференцияда республикада қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги хизматининг ҳуқуқий асослари, гематология ва қон хизматининг бугунги ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари, соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббиёт ташкилотлари ҳамда қон қуйиш марказларида бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маърузалар тингланди.

**ЎзА.**

# ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви чуқурлашгани сайин Ўзбекистонда сифат масаласига қаратилаётган эътибор тобора кучаймоқда. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматларнинг ташқи ҳамда ички бозорда рақобатбардошлилигини янада ошириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш мақсадида 2004 йил 22 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қарори қабул қилинди. 2006 йил 29 августда эса "Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги яна бир ҳукумат қарори қабул қилинди. Унда ушбу стандартлар асосида фаолият кўрсатаётган корхоналар рўйхати анча кенгайтирилди. Унда, жумладан, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот харид қилиш бўйича тендер савдоларини ўтказишда, бошқа кўрсаткичлар тенг келиб қолган ҳолларда, сифатни бошқаришнинг сертификатлаштирилган тизимига эга бўлган мамлакатимиз етказиб берувчиларига устунлик берилиши таъкидланган.

"Ўзстандарт" агентлиги маълумотига кўра, хўжалик бирлашмаларига сифатни бошқариш тизимларини сертификатлаш бўйича рўйхатдан ўтган идоралар тўғрисидаги ахборот юборилган. Бу вазифани ишлаб чиқарувчиларга халқаро стандартларга мос сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишда ёрдам берадиган хусусий фирмалар бажармоқда. Шуниси эътиборлики, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган фирмалар сони кўпаймоқда.

Консалтинг фирма ва компаниялар хизматларига бўлган талаб ошмоқда. Бозор корхоналардан ISO-9001 стандартидан ташқари, OHSAS 18001:2007 ишдаги саломатлик ва хавфсизлик тизими бошқаруви, ISO 14001 экологик менежмент ва бошқа стандартларни ҳам ўзида жорий қилишини талаб этмоқда.

Мамлакатимизнинг кўплаб корхоналари ўзининг сифат тизимини сертификатлагани ёки яқин орада буни амалга ошириш ниятида эканини маълум қилди. Зеро, бундай сертификат ишлаб чиқарувчи томонидан истеъмолчининг маҳсулот сифатига бўлган талабини қондириш бўйича берилган ўзига хос кафолат ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз корхоналари учун нафақат ички, балки жаҳон бозорларида ҳам хўжалик муносабатларида фаол иштирок этиш учун кенг имконият яратади.

**В. РУДАКОВА,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).



*Бугуннинг гапи*

# ТОҒ ГУЛИНИНГ БОЛИ ШИРИН

## дейди кўпдан бери асаларичилик билан жиддий шуғулланаётган Эгамберди Яллақапов

Ангреннинг Гулдурсой қишлоғи табиатига таъриф йўқ. Ўркач-ўркач тоғ тизмалари, оппоқ қорли чўққилар, баланд-паст қир-адирлар. Айниқса, кўкламда чаман бўлиб гуллайдиган саноғи йўқ ўсимликлар дунёсини айтмайсизми?!

Тўрт-беш йилдирки, асаларичи Эгамберди Яллақапов шу гўзал жойларни макон қилган. Мижозлари қидириб боришса, ўзидан бурун итлари – Қоплон билан Калта кутиб олади. Асаларичиликдан сўз очсангиз, аввал, итларини обдон мақтамагунча, суҳбати қовушмайди. Гапга тушгандан кейин эса, уни тўхтатолмайсиз:

– "Асалнинг ози ширин" деган гапга мен қўшилмайман. Тўғри, бу маъжозий маънода айтилган. Лекин, аслида асал қанча кўп бўлса, шунча яхши. Ахир у табиий дори-ку. Дори бўлганда ҳам минг дардга даво. Айтсам, ишонмайсиз. Беш-олти йил бурун юрак хасталиги чалиндим. Тоғ ҳавосини қўмсаб, шу томонларга келганимда қариялар хасталигимни билиб, асаларичилик билан шуғулланишни маслаҳат беришди. Ўшаларнинг гапига кириб, мана, кўрмагандек бўлиб кетдим. Бу битта исботи. Энди буёғини эшитинг.

Бир куни сел келиб, уяларни оқизиб, айримларини синдириб-парчалаб кетди. Лойқа кечиб, ғуж-ғуж ариларни ҳовучларимизда йиғиб келиб, янги уяларга жойладик. Ўшанда устозим Лутфулла аканинг болдирини нимадир чуқур қилиб тилиб юборган экан. Дўхтирларнинг "ҳай-ҳай"ига қарамай, асалари прополисини буғда эритиб, ярасига боғлаб, икки кунда тузатиб юборди. Ўрни-таги қолмаган.

Мен сизга айтсам, асалнинг хили, у даво бўладиган касалнинг тури кўп. Бир бошдан бошласак, халқ яхши биладиган май асали, асосан, мевали дарахтлар гули нектаридан олинади. Жигар, юрак ошқозоности ва қалқонсимон безлари, атеросклероз, асаб тизими чарчоғи, уйқусизлик хасталикларига даво. Иккинчиси – беда гули асали шамоллаган, жигари хаста кишиларга тавсия этилади. Шунингдек, қонни суюлтириш хусусиятига ҳам эга.

Учинчиси – майса асали. Буни кўпчилик эшитмаган бўлса керак. У қир-адир, ўтлоқ, тоғ ўсимликлари гулидан олинади. Нафас йўллари, асаб ва овқат ҳазм қилиш аъзолари, юрак ва буйрак хасталикларига шифо. Тўртинчиси – пахта, тўғрироғи ғўза гули асали киши танасини нурланишдан сақлайди. Яъни нурни ўзига олиб, ҳужайраларнинг қайта тикланишига ёрдам беради. Шу боис, бу асалга кўпроқ японлар ишқибоз.

Бешинчиси – кунгабоқар асали юрак хасталиги, бронхиал астма, ошқозон-ичак санчиғи, безгак, грипп, юқори нафас йўллари яллиғланиши каби хасталикларни тез аритади. Энг муҳими эса, ошқозон-ичак тизимидаги ортиқча ҳосила (шлак)ларни ҳайдайди. Олтинчиси – қоқигул асали энг қиммат ҳисобланади. Чунки, озуқа манбаи чекланган бўлгани учун кам етиштирилади. "Арзон беиллат, қиммат беҳикмат бўлмас" деганларидек, энг зўр асал – шу. У кишига куч-қувват бағишлайди. Тарихдан маълумки, қадимда гладиатор (кураш тушувчи қул)ларга шу асални едиришган.

Еттинчиси – саппоро асали бошқаларидан анча фарқ қилади. Аввало, у энг майин асал бўлиб, ҳар қанча сақланса ҳам қуйилмай, бирдек туради. Кишининг руҳига ҳам майинлик бахш этади. Саккизинчиси – хайригул асали (доривор альтек) ўз номи билан, шифобахш. Ҳар қандай оғриқни қолдириши билан айниқса, қадрлидир.

Хуллас, нафақат асал, асаларичиликнинг ўзи ҳам турган-битгани дори. Прополис, гул чанги, она асалари сутини сўраб келувчи шифоталаблар кўп. Биз ҳам борини аямаймиз.

Эгамберди Яллақаповнинг фикр-мулоҳазаларидан хулоса чиқариб айтиш мумкинки, асаларичиликни кенг кўламда ривожлантириш бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Манба эса чексиз-чегарасиз. Бу йил жамоатчилик асосида вилоят асаларичилар уюшмаси ташкил этилгани айни муддао бўлди. Энди асаларичиларни бу фойдали тармоққа кўплаб жалб этиш, уларни қизиқтириш ва рағбатлантириш йўлларини топиш, аввало, мавжуд имконият ва шарт-шароитлар, қайси минтақаларда иқлим ва озуқа манбалари қандай эканлиги атрофлича ўрганиб чиқилиши ва шу асосда режали иш юритиш лозим бўлади. Кўпгина асаларичиларнинг фикрича, тармоқни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири қоқигул, кийик ўти, беда, янтоқ, тоғ ялпизи каби ўсимликларнинг кўпайишига шароит яратиш чораларини топиш зарур. Негаки, ҳозир табиатдаги бор захира етарли эмас. Бўш ётган қулай жойлар эса, тоғли ҳудудларда истаганча топилади.

Иккинчидан, ҳозирги пайт-да асаларичилик билан мунтазам шуғулланаётган ва ҳаваскорларни уюшмага жалб этиб, аъзо қилиб, уларга ўз ишларини яхши йўлга қўйиб олишлари учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, уюшма фаолиятини бугунги талаблар даражасида йўлга қўйиб, барча асаларичиларни ягона мақсад йўлида бирлашиб ҳаракат қилишларига эришилса, ушбу фойдали тармоқнинг жадал ва кенг ривожланишига шубҳа йўқ.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**





**СУРАТЛАРДА:** асаларичи Эгамберди Яллақапов (чапда); Абдувоҳид Қодиров ари уяларини кўздан кечирмоқда.
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

**Мактаб ўқувчиларининг жорий ёзги таътил мавсумида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан уч минг нафар ўғил-қизни пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг сўлим гўшаларидаги оромгоҳларда дам олдириш кўзда тутилган. 6 июнь куни уларнинг бир гуруҳи Қорақалпоғистондан Тошкент шаҳрига етиб келди.**

# ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТАДИ

Юртимизда болаларнинг пухта таълим-тарбия олиши, жисмоний, интеллектуал, маънавий камол топишига кўмаклашиш масаласи давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида. Айни пайтда уларнинг саломатлигини муҳофазалаш, мустаҳкамлаш, мароқли дам олиши, бўш вақтини мазмунли ва самарали ўтказишини ташкил этишга оид изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашидан олинган маълумотларга кўра, жорий йил 766 та болалар ёзги ҳордиқ масканида, шу жумладан, шаҳардан ташқари, санаторий типидаги, спорт-соғломлаштириш, кундузги мактаблар қошидаги оромгоҳларда 245 минг нафар ўқувчини дам олдириш кўзда тутилган. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида чекка ҳудудларда, қишлоқларда истиқомат қилаётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, серфарзанд оилаларнинг ўғил-қизлари ёзги оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришига алоҳида эътибор қаратилади. Айни пайтда Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг икки минг нафар тарбияланувчиси, Оролбўйи минтақасидан уч минг нафар ўғил-қиз дам олиш масканларида бепул ҳордиқ чиқаради.

Тошкент темирйўл вокзалида кутиб олинган қорақалпоғистонлик болаларнинг дастлабки гуруҳи – икки юз нафар ўғил-қиз шаҳар чеккасидаги "Гулбаҳор" болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олади. Шу билан бирга "Меҳржон", "Нурафшон", "Машъал", "Ғунча", "Трамвайчи", "Алгоритм" каби оромгоҳлар ҳам қорақалпоғистонлик мактаб ўқувчиларини кутиб олишга шай.

Таътил давомида оромгоҳларда болаларнинг дам олиш мавсумини қизиқарли ўтиши учун Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати, Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда турли қизиқарли маънавий-маърифий тадбирлар, ижодий кўрик-танловлар, концертлар, таниқли санъаткорлар, мусаввирлар, ёзувчи ва шоирлар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этиш режалаштирилган.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Туман матбуоти мавзуида*

**Бугун биз ялпи ахборотлашув, глобаллашув даврида яшамоқдамиз. Шиддатли ва мураккаб бу жараённинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсири ҳаётимизнинг барча соҳаларида тобора кучли сезилмоқда.**

# «НИМА БЕРДИК ВАТАНГА?»

Давлатимиз раҳбари "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий курашда глобаллашув инсон, айниқса, ёшлар онги, турмуш тарзи ва хатти-ҳаркатига мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир, кенг кўламли қуролига айланиб, турли сиёсий куч ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганлигини таъкидлаб: "Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин, – деб ёзади. – Тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин".

Бу – даврнинг муҳим, ниҳоятда ҳаётий йўриғи. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавий оламини шу асосда шакллантириш, уларни ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура оладиган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришишда оммавий ахборот воситалари, айтайлик, шаҳар ва туман газеталарининг ўрни алоҳида. Зеро, ҳаётга, инсон эҳтиёжи ва хатти-ҳаракатига, маҳаллий бошқарув идоралари, турли сиёсий партиялар, ҳаракатлар, бошқа жамоат ташкилотларининг кундалик фаолиятига энг яқин бу матбуот нашрлари турмушимиз "ҳарорати"ни ҳаммадан барвақт сезади, уларни баҳолайди ва муносабат билдиради. Юқоричирчиқ тумани "SUR'AT-QARQIN" газетасининг чиқишлари шу нуқтаи назардан диққатга сазовор.

Айтиш мумкинки, газета ижодий жамоасининг бу мавзуга ёндашуви шу йил 2 январь куни эълон қилинган "Ватанимиз тинч, қишлоқларимиз обод бўлсин!" сарлавҳали мақоланинг мазмун-моҳиятида яққол акс этган. "Йиллар, замонлар ўтади, балки бугун содир бўлган кўп воқеа ва ҳодисалар хаёлимиздан кўтарилиши мумкин, – деб ёзади газета. – Бироқ, яхшилик ва саховатпешалик, олижаноблик ва меҳр-оқибат ҳеч қачон унутилмайди. Туманимизда турли миллат вакиллари тинч-тотув, бир оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қилишмоқда. Бизнинг қувончу ташвишимиз ҳам уйимиз ҳам ягона. У ҳам бўлса, Ватанимиз бойлигига бойлик қўшиш, Она диёримизнинг гуллаб-яшнаши учун ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишдир".

Туман журналистлари шу ақидага амал қилишда ибрат бўлишаяпти. Газетанинг ҳар бир сони ишга ижодий ёндашув, изланиш, энг муҳими, малака ва маҳоратдан нишона. Бу аввало, "Бу ҳақда вилоят сессиясида гап бўлганди", "Ватанни мардлар қўриқлайди", "Огоҳлик – давр талаби", "Одобнома", "Ёшлар фикри", "Бугуннинг гапи" "Дилгир масала", "XXI аср иллати" сингари рукнлардан тортиб, "Зиялылар", "Шифокор", "Таълим" сингари махсус саҳифаларда эълон қилинаётган мақолаларда яққол кўзга ташланади.

Айтиш жоизки, янги авлод тарбияси мавзуи газетанинг деярли ҳар бир сонида ўз аксини топаяпти. Бундай чиқишларнинг йўналишлари кўп. Инсонпарварлик, меҳр-оқибат, меҳнатга муҳаббат, Ватан севгиси ва эл-юртга садоқат мавзуларига бағишланаётган мақолалар ўқишли, таъсирчан. Ёшларни кекса авлод намунаси мисолида тарбиялаш масалаларига бағишланган мақолалар газетхонларда алоҳида қизиқиш уйғотади. "Мамлакатимиз мустақиллик байроғини баланд кўтарди, – деб ёзади Оқовулда яшовчи 103 ёшли Жамила момо Мавлонова. – Уни ардоқлайлик, гуллатиб-яшнатайлик. Мустақиллигимиз абадий бўлсин". Кекса онахон Ватанни севишга, мустақилликни қадрлашга даъват қилади. "Эл эъзозлаган аёл" мақоласида эса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Жибек момо Елибоеванинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилинади. Устознинг 90 ёшини нишонлаш, унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Дилором Тошмуҳаммедованинг самимий кутловлари ёшлар учун ғоят таъсирли ёритилган.

Газета саҳифаларида тажрибали ўқитувчилар, таълим-тарбия ва спорт муассасалари, ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимларига кенг ўрин берилаяпти. Бу миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, ахлоқ-одоб ва ватанпарварлик тарбияси мавзулари изчил, савияли ёритилишига хизмат қилаётир. "Болани мактабга тайёрлаш", "Одобли бола – чиройли бола", "Болангиз бўш вақтини қандай ўтказади?" сарлавҳали мақолалар бунга мисол бўла олади.

Маънавий соғлом, пухта билимли, жисмонан бақувват ёшлар тарбияси, уларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш газетанинг етакчи мавзуига айланган.

Ўқувчиларга тарихни, маданий меросни янгича асосларда тушунтириш, Ватан туйғусини улар қалбига сингдиришга доир мақолалар, айниқса, таъсирчан чиқаётир. Газетанинг деярли ҳар бир сонида болаларнинг спорт соҳасидаги ютуқлари кенг ёритилаётир.

Ёшларга пухта билим беришга қаратилган, уларда мутолаа кўникмасини тарбияловчи, эркин фикрлашга ўргатувчи мақолалар тез-тез эълон қилинаётир. Шу муносабат билан талаба Аббос Мирзатоевнинг "Зиё масканида" сарлавҳали мақоласини таъкидлаш ўринли. Муаллиф кўп китоб ўқиган киши хулқи, одоб-ахлоқи, фикр доираси билан бошқалардан ажралиб туришини таъкидлаб, 64 мингта китоб захирасига эга туман ахборот-ресурс маркази маънавий-маърифий тарғиботнинг ҳақиқий марказига айлангани ҳақида ёзади.

Мактаб ва коллеж ўқувчиларида фаол ҳаётий нуқтаи назарни шакллантириш, ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, зарарли одатлардан сақлаш мавзулари ҳамиша туман газетачиларининг диққат марказида турипти. Гиёҳвандликнинг олдини олиш, болаларни хорижнинг зарарли маънавий-ахлоқий таъсиридан сақлаш масалалари таъсирчан ёритилмоқда. "Ёшларимиз тузоққа тушмасин", "Яна одам савдоси ҳақида", "Кўза кунда эмас, кунида синади", "Юрак буйруққа бўйсинмайди" сингари мақолаларнинг таъсир кучи катта. "Ҳар ерни қилма орзу" мақоласида "бахтли ҳаёт"ни орзу қилувчи айрим ёшлар қуллик исканжасига қандай тушиб, оғир ишларга, фоҳишаликка маҳкум бўлиб қолаётганлиги аниқ мисоллар асосида ёритилади. "Хорижда хор бўлганлар" мақоласида эса гулдек касб эгаси, малакали қурувчи Эркиннинг мўмай даромад топиш илинжида қандай қилиб фирибгарлар тузоғига илиниб қолгани, хорижга сотиб юборилгани, олис юртларда хор-зорликда ўтказган кунлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Газета саҳифаларини варақласангиз, ёшларни огоҳликка даъват этувчи бундай чиқишлар оз эмаслиги кўзга ташланади. Бироқ, бу комил инсонни вояга етказиш муаммоси мукаммал ёритилмоқда, дегани эмас. Айтайлик, газета ўсмирлар тарбияси, болалар жиноятчилигининг олдини олиш мавзуларини бирмунча эътиборсиз қолдирмоқда. Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуи ҳам изчил ёритилмаётир. Энг асосийси, унинг саҳифаларида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, сиёсий партияларнинг "Ёшлар қаноти" фаолиятига бағишланган мақолалар деярли йўқ.

Албатта, қарс икки қўлдан. Айтмоқчимизки, бу партиялар, ҳаракатлар, жамғарма ва ташкилотларнинг ўзлари ҳам ташаббус кўрсатишлари, ўсмирлар, умуман, ёшлар тарбияси борасидаги саъй-ҳаракатлари газета саҳифаларида мунтазам, малакали ёритилишига манфаатдорлик ҳисси билан ёндошишлари керак. Яна бир ҳолатни таъкидламаслик мумкин эмас. Газета тахламини варақласангиз, туман матбуотчилари ташкилот, муассаса ёки корхоналарнинг номларини қисқартириб беришга ружу қўйишганини кўрасиз "ТХТБ", "ЙХХБ" ёки "ТТКД" сингари қисқартмалар газетхоннинг тишига тегиб, эътироз туғдириши шубҳасиз. Бу газетчилик маданиятига асло тўғри келмайди.

Умуман олганда, газета асосий эътиборни йигит-қизлар онгида Ватанга муҳаббат, халқимизнинг бой анъаналарини ардоқлаш, юртни обод қилишга интилиш туйғусини чиниқтиришга қаратаётир. Шу муносабат билан Собир Олимжоннинг газетада эълон қилинган шеъридан қуйидаги мисраларни келтириш ўринли:

*Бугун юртим ҳур-озод,*
*Бўлмоқда ҳар ер обод.*
*Яшар халқим эркин, шод,*
*Бир савол сену менга:*
*"Нима бердинг Ватанга?"*

Туман газетаси ўз ижодий изланишлари билан навқирон авлодни шу руҳда тарбиялашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**


## ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Тошкент вилояти ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги «Вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида»ги фармойишига асосан тасдиқланган вилоят Танлов комиссияси Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш бўйича**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

1. Қолипли нон ва нон маҳсулотлари
2. Сут маҳсулотлари (қаймоқ, пишлоқ ва творог)
3. Иккинчи тоифали гўшт маҳсулотлари
4. Ярим дудланган колбаса маҳсулотлари
5. Тухум
6. Томат пастаси
7. Қуруқ мевалар
8. Мева шарбатлари (сок, компот)
9. Хамиртуруш
10. Хашак, сомон, тариқ
11. Қази
12. Йогурт
13. Мева туршаклари
14. Майиз

Таклифлар 2009 йил 10 июлга қадар қабул қилинади.
Қўшимча маълумотлар учун тел.: 233-75-11.


## Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан амал қилиши тугатилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар рўйхати:

| № | Лицензия рақами ва берилган санаси | (Лицензия олинган шахснинг Ф.И.О.) |
|---|---|---|
| 1 | TS 000327-05.12.2000 йил | Кодиров Жибек Шахиевич |
| 2 | TS 000401-05.12.2002 йил | Сейсенбаев Мамаразак Джаханович |
| 3 | TS 000470-07.01.2005 йил | Каримов Шамсиддин Нуритдинович |
| 4 | TS 000496-14.07.2005 йил | Аллабердиев Улугбек Ахшимуратович |
| 5 | TS 000533-14.04.2006 йил | Мухаммедов Бердивой Мелиевич |
| 6 | TS 000586-16.10.2007 йил | Зайнудинов Алишер Хабибуллаевич |
| 7 | TS 000596-16.10.2007 йил | Тухтабаев Зафаржон Хасанович |
| 8 | TS 000663-08.09.2008 йил | Эсанов Худайберди Эржигитович |
| 9 | TS 000686-24.12.2008 йил | Хаккулов Машраб Аслонович |
| 10 | TS 000692-24.12.2008 йил | Хасанов Мурод Камалович |
| 11 | TS 000695-24.12.2008 йил | Узоков Хабибулло Анварович |



## СПОРТ ХАБАРЛАРИ

**ФУТБОЛ.** Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) томонидан дунёдаги энг кучли футбол клубларининг янги рейтинг жадвали эълон қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон чемпиони – Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоаси етмиш иккинчи поғонада қайд этилган. "Бунёдкор" Осиё миқёсида иккинчи ўриндан жой олган. Ушбу рейтингдан мамлакатимизнинг яна икки вакили – Осиё чемпионлар лигасида муваффақиятли иштирок этаётган "Пахтакор" (Тошкент) ва Осиё футбол конфедерацияси кубоги мусобақасининг чорак финалига йўлланма олган "Нефтчи" (Фарғона) жамоалари ҳам жой олган.

**СУВ СПОРТИ.** Пойтахтимизда сувга сакраш бўйича ўтказилган мамлакат кубоги беллашувларида бир метрли баландликдан сакраш бўйича олмалиқлик Артур Авхадшин ва тошкентлик Елена Цибаева ғолиб чиқди. Уч метрли трамплиндан сакраш баҳсларида Анастасия Хаменкова (Олмалиқ) ва Григорий Филипповга (Тошкент) етадигани топилмади. Беш метр баландликдан сакраш бўйича олмалиқлик Дарья Каширская ҳамда андижонлик Александр Голубов биринчи ўринни эгаллади.

**ШАХМАТ.** Республика шахмат-шашка клубида давом этаётган мамлакат чемпионатининг олтинчи тур учрашувларида чемпионликка асосий даъвогар – фарғоналик Нафиса Мўминова самарқандлик Ирода Ҳамроқуловани енгиб, жами беш ярим очко тўплади. Пешқадамдан ярим очко ортда бораётган пойтахт вакиласи Ольга Собирова навоийлик Озода Каримовадан устун келди. Қашқадарёлик Нодира Нодиржонова эса самарқандлик Мафтуна Орзиқулова билан дуранг ўйнади.

**ЎзА.**

*Бу – қизиқ*



# ТЎЙТЕПАДАГИ "ЭЙФЕЛЬ" МИНОРАСИ

**Франция пойтахти Париж шаҳридаги "Эйфель" минорасининг баландлиги 300 метр, оғирлиги 9 минг тонна бўлиб, асосан металлдан қурилган бу мўъжизани олам аҳли ҳамиша ҳайрат билан томоша қилади.**

Яқинда Тўйтепа марказидаги кўчаларнинг бирида ҳам "Эйфель" минораси пайдо бўлди. Биз унинг ижодкори билан учрашиб, суҳбатлашдик. Мўъжаз "Эйфель" минораси бу ерга қандай қилиб "келиб қолгани" билан қизиқдик.

– Шундай мўъжизавий, ноёб нарсаларга қизиқишим катта, – дейди Тўйтепадаги "Эйфель" минораси бунёдкори.

Суҳбатимиз давомида маълум бўлдики, Тўйтепанинг "Тошкент йўли" кўчасидаги катта йўл бўйида – Ўктам Қодировлар хонадони ёнгинасида қад ростлаган металл қурилманинг баландлиги 12,7 метрни, асоси эса 3,4 метрни ташкил этади. Ранг-баранг тунги чироқлар билан безатилган пўлат минора кечалари чор-атрофга таровват бахш этувчи мўъжизага айланяпти. Шаҳар аҳли ва меҳмонлари, айниқса, ёшларни ўзига жалб этаяпти.

Хонадон эгаси таклифи билан ичкарига кирамиз. Дарвозахона ва унга туташ деворлар ҳам тайёр томошахона: узунлиги 5 метрлар чамасидаги ўнг томондаги деворга тўлалигича тоғ ва дарё манзараси туширилган. Чап томондаги 3 метрлар чамаси узунликдаги деворда эса дунёнинг яна бир мўъжизаси – Тожмаҳал тасвири. Дарвозахонадан ойнаванд эшиклар орқали ҳовлига чиқамиз. Чап томонда санъат асари даражасида бунёд этилган икки қаватли турархжой биносининг давоми. Ўнг томонда эса "тоғ", "тоғ"дан тушаётган шаршаралар. Рўпарада эса ям-яшил майдон фонидаги "Япон боғи". Боғдаги анвойи гуллар, ноёб манзарали дарахт кўчатлари баҳридилингизни очади. Чап томондаги ғарқ пишиб ётган икки туп гилос шохларига осилган учта тўрқовоқда беданалар тинимсиз сайрайди. Уй соҳиби уларни Ўш томонлардан келтирганман, дейди. Айтмоқчи "Япон боғи" ичида оққушлару улкан тошбақалар ҳам бор. Гарчи улар уста Авазнинг қўлбола "жонивор"лари бўлса ҳам, худди тирикдек боққа файз киритиб турибди.

Бор-йўғи 6 сотихгина жойда шунча мўъжиза, шунча гўзаллик! Инсон қўли гул, деб шуни айтсалар керак.

**Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.**

*Ma`naviy husn*

# BUVIJONIM O`GITLARI

Erta tong odatdagiday avtobusda ketayotgan edim, bir qiz e'tiborimni tortdi. U bosh ko`tarmay, qo`l telefonini o`ynab o`tirar edi. Shu payt bir otaxon chiqib, bo`sh joy ilinjida atrofga alanglay boshladi. Qiz esa, beparvo, yuzini deraza tomon burib oldi. Old o`rindiqlardan birida o`tirgan yoshi kattaroq kishi o`rnidan turib, qariyaga joy berdi. Qiz esa, go`yo sezmagandek, o`z xayollari bilan band. Oradan biroz fursat o`tib, yonida tippatik turgan otasi tengi kishiga bir chimirilib qarab qo`ydi. Bu manzarani kuzatib turib, tengdosh qizga nimadir degim keldi. Lekin...

Hayronman, u qanday oilada ta'rbiya topdiykin? Ota-onasi bormi? Bor bo`lsa, uyida kattaga hurmat, odob-axloq haqidagi gap-so`zlar bo`larmikin? Balki ota-onasining ishi ko`p, vaqtlari yo`qdir. Unday bo`lsa, buvisi bormikin? Yo`q, menimcha. Agar bo`lganda o`zidan kattalarga joy bermaslik o`ta odobsizlik ekanligini tushuntirgan bo`lar edi.

Shu topda buvijonimning o`gitlari yodimga tushdi. Qiz bola o`zining xushmuomalaligi, andisha va or-nomus kabi yuksak tuyg`ulari bilan ajralib turadi. Ma'lumki, qizli uyga sovchi bo`lib kelganlar avvalo, xonadondagi ozodalikka, ostonadagi poyabzallarning tartibiga, dasturxon tuzalishiga, supurgining qay holatda yotganini, gilam osti, o`choq boshini sinchiklab kuzatadilar.

Bulardan tashqari mehmon kutish, tikuvchilikda qiz bola ziyrak bo`lmog`i lozim. Sharqona odob-axloq va muomala madaniyati muhim o`rin tutadi.

Biroq buni ayrim qizlar unutib borayotganlari sir emas. Axir "ona", "ayol", "oila boshqaruvchisi" sifatida ularning o`rnini hech kim bosa olmaydi. Agar hamma o`z manfaati, huzur-halovatini o`ylab ma'naviy qiyofasiga e'tiborsiz, bepisand bo`lsa "Tarbiya ko`rmagan qiz" sifatida el nazaridan qolishi, hech gap emas. Aytmoqchi bo`lganim "Qari bilganni pari bilmas" deganlaridek, keksalarimiz, buva-buvijonlarimiz o`gitini doimo yodda tutaylik, ularga hamisha amal qilaylik.

**Yulduzxon FAZLIDDINOVA.**

*Одамийлик шеваси*



# НОН

Қишлоғимизнинг энг ёши улуғ қарияси – тўқсондан ошган Оқил бува Хотира ва қадрлаш куни арафасида уч-тўрт хонадон нарида яшайдиган кекса онахон – Назокат аяни йўқлаб кирди. Маҳалла гузаридаги новвойхонадан олган тўрттагина иссиқ нонни дастурхонга қўйиб, дуога қўл очди:

– Ё, парвардигори олам, ўтганларнинг охиратларини обод айлаб, ҳоли-ҳаёт бандаларингга рўшнолик ато этгайсан, ушбу хонадондан файзу барокатларингни дариғ тутмагайсан, илоҳо олти оға-ини солиҳ фарзандларни оталарининг руҳи ҳамиша қўллагай.

Маҳалламизнинг икки париси, икки табаррук қария фотиҳадан сўнг марҳум ҳамқишлоқлари хотирасини илиқ сўзлар билан ёдга олишди, инсоф-тавфиқли, топармон-тутармон ёшларни алқаб ўтиришди.

– Овора бўлиб, нон қўлтиқлашингиз шартмасиди, – деди Назокат ая гап орасида.

– Нон – азиз неъмат. У дастурхоннинггина эмас, аввало, инсоннинг кўрки, кўнгил иши. Кишига бир бурда нон тутишдан ўзга улуғ сийлов йўқ.

Оқил буванинг бу сўзлари Назокат аяга раҳматли чолини эслатди, хаёли узоқ ўтмишга кўчди.

Айтишларича, Иккинчи жаҳон уруши пайтида юз берган очарчиликда Назар чойхоначи қишлоқ аҳлининг кўпчилигини шишиб ўлишдан асраб қолган экан. Нон деса, кесак ғириллайдиган ўша кунларда Тошкент темирйўл вокзалидаги чойхонада одамлар аридек ғужғон ўйнарди. Танишидан нотаниши кўп йўловчиларнинг оёғи, чойхоначининг эса, қўли тинмасди. Кечгача сал кам бир қоп бурда нон йиғилиб қоларди.

Кун ботиш арафасида обдон хориган чойхоначи бир-икки пиёла "чарчоқбосди" қилиб, машина ёлларди-да, маҳалла гузарига етиб оларди. Унинг машинадан қоп кўтариб тушаётганини кўрган айрим кўнгилчан кишилар: "Оббо, тарки одат амри маҳол экан-да. Бурдаларни тўғри уйига олиб борса бўлмайдими? Ахир эл қатори оч-наҳор етти бола отанинг йўлига кўз тикиб ўтирибди-ку" дея ачинишарди...

Ҳа, Назар чойхоначи билан Назокат аяни Аллоҳ фарзанд неъматидан қисмади, аксинча, жуда ёлчитди. Бир эмас, етти ўғил берди. Аммо, улардан бирининг умри қисқа экан, катта лавозимларда ишлаб юриб, қон босими хуружи сабабли ҳаётдан эрта кўз юмди. Ортидан "Барака топкур яхши одам эди", деган хотира қолди...

Худонинг берган куни қоп орқалайдиган чойхоначи биринчи галда болаларини ўйларди, албатта. Бироқ қишлоқнинг етим-есир ва бева-бечораларига ҳам илинарди. Гузарда рўпара келганларга бурда нонларни ўз қўли билан тарқатарди. Қолганини маҳалла чойхонасига кўтариб кириб, бир чеккага қўярди. Унинг феълини обдон тушуниб олган айрим таъмагирлар "кунда шунда" эдилар. Баъзан бир-икки пиёла ортиқча арoқ қуйиб беришиб, қопни бўшатиб кетишарди.

Нима бўлганда ҳам Назар чойхоначининг бир пайтлар кўплаб ҳамқишлоқларини очдан ўлишдан сақлаб қолгани бор гап. Озгина олимча-қўшимчасини ҳисобга олмаганда, бу бўлган воқеа. Ҳали-ҳануз Назар ота исми тилга олинган давраларда одамларнинг юзига табассум, қалбларига илиқлик югуради. У кишининг одамийлик хислатлари оғиздан-оғизга ўтиб, пировардида "ажойиб инсон эди" тавсифи билан якунланади. Негаки, чойхоначининг кўпчиликка ибрат бўладиган бошқа хайрли одатлари ҳам кўп эди. Хусусан, қишлоқда бирорта йиғин, айниқса, ош тортиладиган тадбир унинг иштирокисиз ўтмасди. Негаки, гуруҳига, даврасига қараб, ҳазил-мутоибаси билан ошни фақат у тортарди. Кўзи катталарда-ю, хаёли болаларда бўларди. Пайт пойлаб, уларни бир четга тартиб билан ўтказиб, қозон бошига борарди: "Болаларга-ку, лаганни "ялама" қилмай, дурустлаб суз" деб кузатиб турарди...

Шу ерга келганда Назокат аянинг хаёли бўлинди. Катта ўғли Абдурайим тандирдан янги узилган тўртта жиззали нон кўтариб келиб қолди. Бошқа ўғиллари ҳам кунда бўлмаса, кунора волидаларининг оғзига ёқадиган у-буни кўтариб кириб туришади. Мухтасар қилиб айтганда, Назар чойхоначи кўрган фарзанд неъмати гаштидан ая ҳам ҳали-ҳамон баҳраманд бўлаяпти.

– Новвойларга атайлаб тўрттагина жиззали нон ёптиргандим, қаранг, сизни ҳам насиба етаклаб келган экан, Оқил бува, – деди Абдурайим.

– Ҳа, асл "отаўғил"лик қилдинг,– деди бува жиззали нонлардан бирини ушатар экан. – Новвойхона очганинг заб иш бўлди. Этликкина деб энди кўпчилик шу нондан олаяпти. Энг муҳими, ўз даврида отанг қишлоқ аҳлига бурда нон улашган бўлса, сен уни бутун қилиб, етказиб бераяпсан. Умрингдан барака топ, элнинг дуосини олган кам бўлмайди.

Кўпни кўрган Оқил буванинг нияти холис. Худди элники каби кексаларнинг дуоси ҳам ижобат бўлади.

**Самад ЙЎЛДОШ.**


Шайхонтоҳур туман БТИ томонидан Зайитов Эргаш номига Тошкент шаҳри, Фароби кўчаси, 29-уй манзили учун берилган уй плани йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Собир Раҳимов тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 18.11.2004 йилда № 000547-05 рақам билан рўйхатга олинган "SAXOVAT-RIZO" (ИНН 205277026) масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянные диплом № 218137, выданный 06.09.2002 г. Ташкентским колледжем гостиничного хозяйства, и аттестат O`R-E № 0134365, выданный 09.06.2009 г. школой № 3 Сергелийского района г. Ташкента, на имя Абдуллаева Азиза Туляганoвича,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

Общество с ограниченной ответственностью "KARLAR UMIDI" (ИНН 200826643) сообщает о присоединении к ООО "2-son Karlar O`quv Ishlab Chiqarish Korxonasi" (ОКПО 15196598). Претензии принимаются в течение 1-месяца с момента выхода настоящего объявления по адресу: г. Ташкент, ул. Р. Солиева, д. 5-А.


*Саломат бўлинг*

# ҲАЁТ – ҲАРАКАТДИР



Кексаларда энг кўп учрайдиган муаммолардан бири қон-томир касалликларидир. Бундан ташқари, уларда умуртқа касаллиги ва марказий асаб тизими хасталиклари ҳам тез-тез учраб туради. Охирги муаммо кексаларнинг хотирасини сусайтиради. Улар чарчаб, ҳансирайдиган бўлиб қолишади. Кўздаги катаракта, глаукома, тўр парда қон томирларининг атеосклерози ва эшитиш қобилиятининг пасайиши ҳам кексаларни тинч қўймайди.

Ҳозирги кунда кексаларда қандли диабет ва унинг асоратлари кўп учрамоқда.

Таянч ҳаракат аппаратининг муаммолари, суякларнинг мўрт бўлиши кузатилмоқда. Соғлом ҳаёт тарзи, рационал овқатланиш ва дори-дармон воситаларидан фойдаланиш бундай хасталиклардан халос этади, албатта. Лекин афсуски, кексалар ўзларини озгина яхши ҳис этишлари билан муолажаларни тўхтатиб қўядилар.

Овқатланиш жараёнида ош тузини кўп ишлатмаслик, имкони бўлса, уни денгиз тузи билан алмаштирган маъқул. Чунки денгиз тузи калий ва магний элементларига бой. Мол ёғини кам ишлатиш, ёғли овқат емаслик лозим.

Кўпинча 80 ёшга кирган кексаларни уйдан кўчага чиқариб бўлмайди. Бунга сабаб, эринчоқлик ёки соғлиғининг бардош бермаслиги. Ҳолбуки бу ёшда доимий ҳаракатда бўлиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қабзият муаммоси кўпроқ кексаларга хос асорат. Оддий муолажа – эрталаб наҳорга, оч қоринга бир стакан сув ичиш лозим. Сув хона ҳароратида бўлгани яхши. Кейинчалик туршак суви, қовоқ, турп истеъмол қилган маъқул.

Уйқусизлик ҳам кексаларда кўп учраб турадиган асорат. Кўпинча қариялар кундуз куни мизғиб, тунда ухлай олмайдилар. Бунинг олдини олиш учун кундузи ҳаракатда бўлиш лозим, уйқуни ҳайдаш, чалғитиш керак. Уйқусизликка уй шароитида қўлланиладиган табобат усуллари бор. Жумладан, бир пиёла илиқ сувга бир чой қошиқ асал аралаштириб, ухлашдан олдин ичиб ётиш лозим. Уйқудан олдин оёқларни илиқ сувга солиб ўтириш, китоб ўқиш ҳам фойдали. Агар бу усуллар ёрдам бермаса, унда уйқу дориларидан фойдаланиш мумкин.

Чўмилиш вақтида оила аъзоларидан бири кексаларга ёрдам бериб, назорат қилиб туриши лозим. Уларнинг ёши қанча катта бўлса, ваннада йиқилиш, қўл-оёқларни куйдириб қўйиш хавфи ҳам шунча кучаяди. Диабет касаллиги бор қариялар иссиқ сув даражасини яхши сезмасликлари сабабли, танани куйдириш ҳоллари кузатилади. Уларнинг иссиқ ванна қабул қилишлари хавфли. Чунки уларда юрак хасталиги, гипертония кўп учрайди. Шунингдек, кексалар шифокор назоратида бўлгани маъқул. Тавсия қилинган дори-дармон ва муолажаларни ўз вақтида олиш лозим.

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

*Рассом хандаси*




Хусан СОДИҚОВ чизган расм.


Утерянную круглую печать, выданную частному предпринимателю Сагдуллаеву Авазу Султановичу,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**




Утерянный план квартиры, выданный БТИ Шайхантахурского р-на, по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Беруни-Матлубот, дом 1 кв. 160 на имя Ильясовой Зулхумор Насыровны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянные кадастровые документы № 018776, ордер № 989, выданные Давлат мулки кумитаси Тошкент шахар бошкармаси в 1994 году на аптеку "Дархон - 39" по адресу: ул. Аккурганская д, 18 на имя Акбарова Равшана Рихсибаевича,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

ООО "Росагропромснаб" (ИНН 204859267) Чиланзарского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 363 031 633 сумов до 323 031 633 сума. Тел.: 273-16-40.

Общество с ограниченной ответственностью "SHUXRAT-SAODAT-MARXAMAT-MANSUR" (ИНН 206882104, ОКПО 21889182), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Сарабустон, д. 5, кв. 1, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (протокол собрания № 3 от 01.06.2009 г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 484-17-81.

Утерянные кадастровые документы на квартиру по адресу: г. Ташкент, Хамзинский район, ул. С. Азимова, д. 63, кв. 45, выданный БТИ Хамзинского района на имя JEONG SUJIN, договор купли-продажи от 27.03.2008 г. по реестру 8-1756,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

Общество с ограниченной ответственностью "EKSPO-FASHION" (ИНН 206131286), расположенное по адресу: г. Ташкент, Хамзинский район, 1-проезд Каримова, д. 23, зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Хамзинского района (Фаргона йули, 21) от 23.02.2006 года № 000916-07, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение о добровольной ликвидации от 08.06.2009 г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по тел.: 126-59-99.

Утерянный диплом Ч № 641752 (рег. № 641752, приказ № 57 от 01.07.1972 г), о средномедицинском образовании, выданный медицинским училищем им. Боровского (ныне медицинский колледж им. Боровского), на имя Шакирзяновой Фариды Галимджановны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Частное предприятие "QIBRAY-SUV SERVIS" (ИНН 300323816) Кибрайского района Ташкентской области изменяет формы собственности и реорганизуется в ООО "QIBRAY-SUV SERVIS", все права и обязанности ЧП "QIBRAY-SUV SERVIS" переходят на ООО "QIBRAY-SUV SERVIS". Тел.: 737-43-58.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Ғайрат ШЕРАЛИЕВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)
Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Нашр индекси – 205. Буюртма Г-540. Адади 8373. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.
Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.20. 1 2 3 4 5 6 7 8 9